

ЎЗБЕКИСТОДА МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТНИНГ ОЧИҚЛИГИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бугунги кунга қадар фуқароларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотларни олиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқини амалга оширишни норматив-ҳуқуқий тартибга солиш масалалари илмий жиҳатдан етарлича ўрганилмаган. Шунинг учун, маҳаллий ҳокимият фаолиятининг очиклигига оид ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш учун қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг концептуал асосларини яра-тиш тақозо этилади.

Ҳозирги глобаллашув даврида **Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари** ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида **(давлат органлари) қонун ҳужжатларига** амалга оширилаётган янгилик ва **мувофиқ таъсис этилган, қонун чиқарувчи,** ўзгаришларни халқимиз ва халқаро **ижро этувчи ёки суд ҳокимияти** ҳамжамиятга ўз вақтида етказиш, **функцияларини амалга ошириш ваколатига** фуқароларимизнинг давлатга ва жамият **эга ташкилотлар, шунингдек, уларнинг** институтларига нисбатан **худудий органлари ёки тасарруфдаги** муносабатларини ҳолис ва ҳаққоний акс **ташкилотлар.** эттириш, қолаверса, жамоатчилик фикрини шакллантиришдек муҳим ва масъулиятли ишлар мамлакатдаги ахборот тизимининг етарли даражада шаклланганлиги ва унинг замонавийлиги ҳамда давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очикдиги билан боғлиқ. Давлат ҳокимияти органлари тизимида қуйи бўғиндаги маҳаллий ижро ва вакиллик органлари ўз фаолияти давомида фуқаролар билан бевосита муносабатга киришиб туриши, улар зиммасига халқимизнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида алоҳида масъулият юклатилиши маълум бўлади.

Ўзбекистан Республикаси Конституциясининг 2-моддасида "Давлат халқ, иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар"¹ деб белгилаб қўйилган. Давлатимизнинг энг биринчи вазифаси халқ, иродасини ифода этиш, халқ, манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга хизмат қилишдир. Ўзбекистоннинг бу соҳадаги тажрибаси халқаро майдонда эътироф этилган умуминсоний кадриятлар ва қоидаларга асосланади.

Ўзбекистан Республикасида фуқароларнинг ахборот олиш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очикдигига оид муносабатларни

АСАДОВ Шавкат Ғайбуллаевич, юридик фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси «Мишпақавий, маҳаллий бошқарув ва ўзини-ўзи бошқариш» кафедраси доценти.

принципиал тарзда тартибга солувчи қомусий асос мавжуд. Ўзбекистан Республикаси Конституциясининг 29-моддасида "...Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга..." дейилган, 30-моддасида эса "Ўзбекистан Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим", деб кўрсатилган. Конституцияда мустаҳкамланган нормаларнинг кафолати сифатида Ўзбекистан Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 44-моддасида фуқарога унинг ҳуқуқ, ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини беришни асоссиз рад этганлик учун тегишли давлат органлари, ташкилотлар, муассасалар ва корхоналарнинг мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жавобгарлик мустаҳкамланган. Ушбу қоида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ўзбекистан Республикасида ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ҳамда тарқатишга дойр конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муносабатлар "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"²ги, "Ахборот эркинлигининг тамойиллари ва кафолатлари тўғрисида"³ги қонунлар билан тартибга солинади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш, кенг жамоатчилик ва аҳолини Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг бориши тўғрисида мунтазам хабардор қилиш мақсадида 2006 йил 22 сентябрда "Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилиниб, ушбу қарор асосида "Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот хизмати тўғрисида" намунавий низом ишлаб чиқилди. Низомда устувор вазифалар сифатида Интернет тармоғида веб-ресурсларни ташкил этиш, уларнинг самарали фаолиятини таъминлаш ҳамда идорага нисбатан шаклланиб бораётган ижтимоий фикрни ва вужудга келаётган вазиятга нисбатан оммавий ахборот воситаларининг муносабатини таҳлил қилиш, уларнинг натижаси тўғрисида идора раҳбариятини хабардор қилиш устувор вазифа этиб белгиланган.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистан Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида⁴ мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ, ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилган кенг қўламли ишларни танқидий баҳолаб, оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг устувор жиҳатларини тўғри белгилаш, жумладан, оммавий ахборот воситалари фаолияти устидан назорат қилишнинг иқтисодий механизмларини, ахборот манбаларининг ёпиқлигини, шунингдек, таҳририятларга ҳокимият органлари ва маъмурий тузилмалар томонидан бўлаётган маълум даражадаги босимларни бартараф қилиш билан боғлиқ муаммоли масалаларни ҳал этиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистан Республикаси Конституцияси 67-моддасининг иккинчи бандида "цензурага йўл қўйилмайди" деб мустаҳкамланган бўлса-да, амалиётда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бу қондани ҳар доим ҳам таъминлагани йўқ.

Шунингдек, Президентимизнинг Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мазкур маърузасида ушбу масалаларнинг ечими сифатида қандай чора-фаолиятининг очиқлиги бу давлат ҳокимияти тадбирларни амалга ошириш лозимлиги ва бошқарув органлари фаолиятига оид батафсил баён қилиб берилди. Бунга ахборотларни қонун доирасида фуқаролар ва кўра: "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви ўзини-ўзи бошқариш органлари, фуқаролик органлари фаолиятининг очиқлиги жамиятининг бошқа тузилмалари тўғрисида" Қонун қабул қилиш (институтлари) томонидан олиш, тарқатиш ва кераклиги таклиф этилди. Бу, ўз фойдаланиш тизими.

навбатида, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини таъминлаш ишларини янада кенгроқ амалга ошириш имкониятини яратиб бериши билан бирга, кўп жиҳатдан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қабул қилаётган қарорларнинг сифатини ошириш борасидаги масъулиятини ҳам кучайтирган бўлар эди. Сир эмаски, амалиётда айрим маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив ҳужжатлар фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилмоқда ёки уларни чеклаб қўймоқда. Хусусан, Ўзбекистан Республикаси Адлия вазирининг 2011 йил 26 мартда Ўзбекистан Республикаси Олий Мажлиси Сенатига берган ахборотида 2010 йилда ҳудудий адлия органларига ҳуқуқий экспертиза учун тақдим этилган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг 512 та ҳужжатлари лойиҳаларидан 312 таси норматив-ҳуқуқий характерда бўлмаганлиги, 38 таси эса қонунчиликка зид бўлган қоидалар мавжудлиги сабабли қайтарилганлиги қайд этилган⁵. Қабул қилиниши назарда тутилган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан жамоатчиликка сифатли ахборотларни етказиш тартибқоидаларини, аҳоли ва кенг жамоатчиликни давлат органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларга тааллуқли маълумотлардан кенг хабардор қилишни таъминлаши керак.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан фуқаролар ва кенг жамоатчиликни ахборот билан таъминлаш борасида амалга ошириладиган ислохотлар, жумладан, янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш, мавжуд қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш, жойларда яратилаётган ахборот-коммуникация технологиялари ва воситаларини такомиллаштириш ҳамда янги тузилмалар ташкил қилинишига қарамасдан, кўп маълумот ва ахборотлар аҳолига етказилмасдан ёпикдигича қолмоқда. Бунга қуйидагиларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин:

биринчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ташкил этилган ахборот хизматларининг нодавлат оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилмаган;

иккинчидан, жойларда фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан фуқароларнинг ахборотлар билан тўлиқ таъминланиш масалаларига эътиборсизлик билан қаралмоқда;

учинчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида мавжуд маълумотлар, улар қабул қиладиган норматив ҳужжатлар айрим ҳолларда фуқароларнинг ҳуқуқ, ва эркинликларини чеклаб қўяётгани учун ҳам уларни оммалаштирмасликдан манфаатдор мавжудлиги сезилмоқда. Шунинг учун, ҳокимликлар тасарруфидаги нашрлар бир томонлама манфаатларни ифодалаган ҳолда фаолият олиб бормоқда.

Бу ҳолат вилоят, туман ва шаҳар ижро ҳамда вакиллик органларининг жамоатчилик билан бўладиган муносабатларига салбий таъсир кўрсатади. Ўз навбатида, ижтимоий-маиший муаммоларни оператив тарзда бартараф этиш, шунингдек, ушбу органлар фаолияти устидан жамоат назоратини ўрнатиш имконини бермайди.

Маҳаллий давлат ҳокимият органлари инфор­мацион соҳадаги илғор технологияларни ўзлаштиришда ортда қолмоқда, эътироф этишимиз жоизки, ахборот хизмати етарли даражада

молиялаштирилмайди. Ахборот хизматини амалга ошириш аксарият ҳолда тартибсиз ташкил қилинади, кадрлар муаммоси ҳам йўқ, эмас, айниқса туманлар ва шаҳарлар миқёсида сифатли ахборот хизмати кўрсатиш борасида ҳам катта қийинчиликларга дуч келмоқда туғдирмоқда. Бундай муаммоларни, вужудга келишига энг асосий сабаблардан бири маҳаллий раҳбар кадрларнинг бу соҳага нисбатан эътиборсизлик билан қараётганидир.

Мансабдор шахслар фаолиятдан фуқароларнинг қониқишини ўрганиш тизими яхши йўлга қўйилмаган. Ҳокимият органи фаолияти ҳақида ахборотни тарқатиш учун жавобгар бўлган ахборот хизматлари, таҳлилий бўлимлар, кўп ҳолларда ўз олдида ижтимоий фикрни билиш вазифасини қўйишмайди. Улар фуқаролар билан бевосита эмас, балки ОАВлари орқали (билвосита) ишлайди ва аксинча фуқаролардан ахборотни ҳам оммавий ахборот воситалари орқали олишни тавсия этишади⁶.

БМТ Тараққиёт Дастурининг "Маҳаллий бошқарув тизимини кўллаб-қувватлаш: фуқаролар иштироки ва ҳамкорлик" лойиҳаси⁷ доирасида ўтказилган Наманган ва Жиззах вилоятидаги тадқиқот вилоятлар ҳокимиятларида жамоатчилик билан алоқалар ўрнатиш бўйича қилинган саъй-ҳаракатлар тўлиқ талабга жавоб бермаслигини кўрсатмоқда. Жойларда ахборот ускуналари: компьютер, телева видеоаппаратура, фотоаппарат ва бошқа офис техникаларига эгаллигини, вақти-вақти билан радио ва телевидение орқали чиқишлар ташкил этилиши, брифинг ва матбуот конференциялари ўтказилиши, ОАВларида ахборотлар эълон қилинишини кўрсатган. Лекин, юқорида кўрсатилган ахборотларнинг очиқлигини, узлуксизлигини, ҳаққонийлигини таъминлаш ҳамда ахборот хизматларини етарлича молиялаштириш ва уларга кадрлар етказиб бериш муаммоларини бартараф этишда булар етарли бўлмайди.

Ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муаммолар кенг аудитория томонидан қай даражада қабул қилинганини аниқлаш учун иккита вилоят маркази (Жиззах ш. ва Наманган ш.)да ва 6 та туман (Жиззах вилоятининг Пахтакор, Дўстлик ва Ғаллаорол ҳамда Наманган вилоятининг Наманган, Мингбулок, ва Уйчи)да 1000 кишидан, яъни ОАВлари ходимлари, фермерлар, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, кичик ва хусусий тадбиркорлик вакиллари (352 киши), уй бекалари (552 киши), ҳокимликлар ходимлари ва давлат хизматчиларидан (96 киши) ўтказилган сўровномалар Жиззах вилоятида сўралган 98% ҳамда Наманган вилоятидаги 99% респондентларда ҳокимият органлари фаолияти тўғрисида ахборот олиш эҳтиёжининг мавжудлиги аниқланган. Шундан, Жиззах вилоятида сўралган 20%, Наманган вилоятидаги 27% респондентлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш даражасини қониқарсиз деб баҳолаган. Респондентларнинг 14,7 фоизи тарқатиш ёки тақдим этиш учун мўлжалланган ахборотнинг раҳбарият билан олдиндан келишилиши, унинг ўз вақтида тарқалиши-

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органининг расмий веб-сайти ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўладиган телекоммуникация тармоқларидаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органига тегишли ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлган электрон ахборот тизимининг шакли.

Маҳаллий ижро органларининг расмий веб-сайтларига мурожаат қилиш ҳоллари бошқа вазирлик ва давлат қўмиталариникига нисбатан анча кам, жумладан, 2011 йил давомида Тошкент шаҳар ҳокимиятининг веб-сайтига 331 462; Навоий вилояти ҳокимиятининг веб-сайтига 49 505; Самарқанд вилоятининг веб-сайтига 63 905 марта мурожаат этилган⁷. Бу кўрсаткич бошқа тармоқ вазирликлари ва давлат қўмиталариникидан уч-тўрт марта камлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасида вилоят ҳокимликлари расмий веб-сайтларининг ахборот базаси мониторинг қилинганида (жадвалга қаранг) аксарият вилоятлардаги веб-сайтларда рус ва инглиз тилида берилган ахборотлар жуда эскириб кетганлигини ёки умуман ҳеч қандай

га салбий таъсир кўрсатади, деб ҳисоблайди⁶.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг веб-сайтлари жуда кам ёки умуман ишлатилмай келинмоқда. Бунинг сабаби веб-сайтлардаги маълумотлар фуқароларнинг кундалик талабларига жавоб бермайди. Ўзбекистон Республикасида

маълумотлар мавжуд эмаслигининг гувоҳи бўлиш мумкин (айниқса, Сурхондарё, Наманган, Жиззах вилоятлари)⁸. Веб-сайтлардаги тегишли вилоят ҳокими ва халқ, депутатлари Кенгашларининг нормативҳуқуқий ҳужжатларини аҳолига мунтазам таништириб бориш (Тошкент ш., Жиззах, Хоразм вилоятларидан ташқари) яхши йўлга қўйилмаган. Кундалик янгиликларни эълон қилиб боришда деярли барча вилоятларда узилиш бўлиб, мунтазамлик (Андижон, Тошкент шаҳридан ташқари) йўқ.

Веб-сайтларда аҳоли билан бевосита алоқа боғлаш масалалари қониқарсиз аҳволда (Самарқанд ва Фарғона вилоятларида нисбатан қониқарли). Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, таҳлил этиш ва жавоб қайтариш масалалари вилоят ахборот хизматлари томонидан яхши йўлга қўйилмаган. Мурожаат этган шахсларнинг аризаси, шикоят ва таклифларига нисбатан жавоб қай

№	Вилоят	Ахборот	Ахборот	Ахборот	Ахборот	Ахборот	Ахборот	Ахборот	Ахборот
1	Андижон	1	1	1	1	1	1	1	1
2	Бухоро	1	1	1	1	1	1	1	1
3	Жиззах	1	1	1	1	1	1	1	1
4	Қашқадарё	1	1	1	1	1	1	1	1
5	Наманган	1	1	1	1	1	1	1	1
6	Намangan	1	1	1	1	1	1	1	1
7	Самарқанд	1	1	1	1	1	1	1	1
8	Самарқанд	1	1	1	1	1	1	1	1
9	Самарқанд	1	1	1	1	1	1	1	1
10	Фарғона	1	1	1	1	1	1	1	1
11	Алқаш	1	1	1	1	1	1	1	1
12	Андижон	1	1	1	1	1	1	1	1
13	Андижон	1	1	1	1	1	1	1	1
14	Андижон	1	1	1	1	1	1	1	1

тариш, яъни "қайта алоқа" тизими деярли ишламайди. Сайтларнинг умумий ахборот базаси бир ёки икки йил олдинги маълумотлардан иборат. (Масалан, Бухоро ҳокимияти сайтининг маърузалар рукнида мустақилликнинг 19 йиллиги байрам табриги бор, холос).

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий нашрлари (газеталари) мунтазамлигида ҳам камчиликлар мавжуд. Газеталарда маҳаллий муаммолар ва фуқароларни бевосита қизиқтирадиган маълумотлар кам босилади. Газеталарни катта тиражда нашр этишда ҳамда реализация қилишда муайян ташкилий, молиявий қийинчиликлар мавжудлигини ҳисобга олсак (айниқса, туман ва шаҳарларда), уларни Интернет тармоғида электрон версияларини яратишни жадаллаштириш вақти келди, деб ҳисоблаймиз.

Ахборот хизмати фаолиятининг натижалари кўп жиҳатдан мазкур тузилма ходимларининг сифат таркибига ҳам боғлиқ: агар ходимларнинг профессионал даражаси юқори бўлмаса, улар фаолиятининг сифати ҳам паст бўлади. Бундай ахборот хизмати бирон-бир ижобий натижадан кўра, кўпроқ, зарар келтириши мумкин. Ахборот хизматларида мутахассислиги бўйича журналистик маълумотга ҳамда компьютер техникаси билан ишлаш кўникмаларига эга кадрлар танланиши лозим⁶.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида очиқликни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилаётган ва амалдаги қонун ҳужжатларида куйидаги масалаларга эътибор қаратиш керак, деб ўйлаймиз.

Биринчидан, Ўзбекистан Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 24-моддаси иккинчи қисмида "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фуқароларнинг ҳуқукдари ва қонуний манфаатларига доир масалаларни ҳал этади" дейилган ҳамда 25-моддаси иккинчи ва ўн биринчи бандларида вилоят, туман ва шаҳар ҳокими: "...фуқароларнинг уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ... билан боғлиқ чоратadbирлар кўради" ва "аҳолини қабул қилишни ташкил этади, фуқароларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини қараб чиқади" деб мустаҳкамлаб қўйилган. Кўриб турганимиздек, маҳаллий миқёсда давлат ҳокимияти органларининг фаолиятига доир ахборотлардан фойдаланиш, ошкор қилиш, улар билан танишиш учун ахборот олиш манбаларининг очиқлигини таъминлаш ҳамда ахборотларни кенг жамоатчиликка тақдим этишнинг ҳуқуқий механизмлари ва процедуралар бўйича нормалар мавжуд эмас. Шу муносабат билан Ўзбекистан Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органининг ахборот хизмати ахборотни тайёрлаш ва тарқатиш функцияларини бажарувчи ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ишлашни таъминловчи давлат ҳокимияти ва бошқарув органининг таркибий бўлинмаси.

Унда маҳаллий вакиллик ва ижро ҳокимияти органларининг ахборот манбалари, ахборотни ошкор қилиш тартиби, ахборот хизмати, уларнинг ваколатлари, фуқаролар ва жамоатчилик билан ишлаш жараёни кабилар ўз ифодасини топиши керак бўлади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўзига хос қатор хусусиятларга эгалиги, таклиф этилган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонунда тўлиқ акс эттириш имкони бўлмаслигини ҳам назарда тутиш лозим.

Иккинчидан, давлат сирлари ва бошқа тақиқланган ахборотлардан ташқари давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг фаолиятига оид ахборотлар очиқлигини таъминламаслик, улардан фойдаланишни чеклайдиган ва монелик қиладиган хатти-ҳаракатлари учун юридик жавобгарликни белгилаб қўйиш мантиқан тўғри бўлади. Шунинг учун, Ўзбекистан Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимчалар (44-модда) киритиш мақсадга мувофиқ. Бу, аynиқса, фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан бўладиган муносабатларида уларни тийиб турувчи ва мувозанатни таъминловчи асос бўлиши мумкин.

Учинчидан, маҳаллий ижро органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, мамлакат аҳолиси турли қатламларининг ахборот олиш ва улардан фойдаланишга бўлган ҳуқуқ, ва эркинликларини ҳимоялаш механизмларини такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат бошқаруви ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида" 2004 йил 5 январдаги 2-сонли қарорида келтирилган вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари бошқарув аппаратининг намунавий тузилмаси таркибида бевосита ҳокимларга бўйсунадиган ахборот хизмати бўлинмасини ташкил этиш таклиф этилади. Бунда вилоят бўлинмасида бош мутахассис ва мутахассис лавозимларини, туман ва шаҳар бўлинмасида эса мутахассис лавозимларини киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бунга асос сифатида "Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот хизмати тўғрисида"ги намунавий низомнинг 1-бандига мувофиқ "Ахборот хизмати давлат ва хўжалик бошқаруви органи марказий аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади" деган бандини кўрсатиш мумкин. Ҳозирги кунда ахборот хизматининг функционал вазифаларини ҳокимлик бошқарув аппаратининг бошқа тузилмаларига (қўпгина ҳолларда бирорта ҳоким ўринбосарларининг хизмати ёки ташкилий-назорат гуруҳига) қўшимча вазифа этиб юклатилган. Амалиётда қўпгина вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа тармоқ органларида алоҳида ахборот хизмати бўлинмалари мавжуд.

Тўртинчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида очиқдикни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилаётган қонун ҳужжатларида тақдим этилаётган ахборотнинг ҳаққонийлиги ҳамда ахборотнинг тўлиқлигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш лозим. "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқдиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг жорий ҳолатида бу каби нормалар етарли эмас. Айниқса "ахборотнинг тўлиқлиги" масаласи умуман кўрсатилмаган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, жаҳонда кечаётган сиёсий жараёнларда ахборот хуружининг таъсири ошиб, ундан ҳимояланиш катта аҳамиятга эга бўлаётганлиги, бундай шароитда жамиятдаги ахборот бўшлиқларини зудлик билан бартараф этиш, нафақат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, балки уларни ҳокимият органларига нисбатан ишончини мустаҳкамлаш бирламчи вазифага айланмоғи даркор. Ҳозирги кунда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқдигини таъминлаш муаммоларини бир томонлама (ҳуқуқий, сиёсий, социал, иқтисодий) ўрганиш масалага тўлиқ, ойдинлик киритиб бера олмайди. Ушбу муносабатларни комплекс тадқиқ этиш ҳамда уларга тизимли услубда ёндашиш муаммолар ечимини топишга ёрдам беради.

Манбалар ва адабиётлар:

1. Ўзбекистан Республикасининг Конституцияси // Т.: Ўзбекистан, 2012 й.
2. "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги Ўзбекистан Республикаси 24.04.1997 й. 400-1-сон Қонуни билан тасдиқланган. // Ўзбекистан Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1997 й. 4-5-сон, 108-модда // Ўзбекистан Республикаси 15.12.2000 й. 175-П-сонли Қонуни билан ўзгартиришлар киритилган // Ўзбекистан Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2001 й. 1-2-сон, 23-модда.
3. "Ахборот эркинлигининг тамойиллари ва кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистан Республикаси Қонуни. // Ўзбекистан Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2003 й. 3-сон, 18-модда.
4. Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш концепцияси: Ўзбекистан Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил, 12 ноябрь. -Т.: Ўзбекистан, 2010.-28-бет.
5. Ўзбекистан Республикаси Адлия вазирлиги 2010 йилда давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат тузилмалари томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ахбороти ҳақида // Ўзбекистан Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2011 йил 26 мартдаги № 182-П қарори.
6. Маҳаллий ҳокимият органлари тузилмасида ахборот хизматлари фаолиятини ташкил этиш концепцияси // БМТ Тараққиёт Дастури. Т., 2010. 9-И-бет.
7. Роль пресс-служб органов государственной власти в реализации государственной информационной политики: состояние, проблемы и перспективы. Аналитическая записка. Центр экономических исследований//ПРООН. Т., 2011. 43-бет.
8. Барча маълумотлар вилоят ҳокимликларининг расмий сайтларидан олинган.
9. "Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006. 39-сон, 389-модда.